



140704, Ishtixon shaxri, Ishtixon kuchasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул.Иштыханская д.4,
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

20 18 у.г. «19» август

№ 2441-У

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

«Samarqand-Baku Agro Bizness» масъулияти
чекланган жамиятига экспортни
ривожлантириш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ер кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 ноябдаги 01-03-10-46 сонли “Қишлоқ хўжалигида иктисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш, 2013 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий экспорт килувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иктисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 июндаги ПҚ-3077-сон, «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3351-сон ва «Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, поллиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт килувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 6 ноябрдаги ПҚ-3377-сонли қарорлари ва «Samarqand-Baku Agro Bizness» масъулияти чекланган жамияти директори К.Асамовнинг экспортни ривожлантириш тўғрисидаги 8 август 2018 йилдаги хати ҳамда туманда ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг 2018 йил 20-августдаги ҳулосасини кўриб чиқиб

КАРОР КИЛАМАН:

1. Туманда ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг «Samarqand-Baku Agro Bizness» масъулияти чекланган жамиятига экспортни ривожлантириш учун туман ҳокимлиги захирасида бўлган “Кўрлисой мададқори” агрофирма ҳудудидаги 10-24-17-ракамли контурлардаги жами 164,17 гектар шундан далми ҳайдаладиган ер 163,97 гектар, жамоа қурилишлари 0,2 гектар ер майдонлари ажратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. «Samarqand-Baku Agro Bizness» масъулияти чекланган жамиятининг умумий ер майдони 164,17 гектар шундан далми ҳайдаладиган ер 163,97 гектар, жамоа қурилишлари 0,2 гектар ер майдонлари интенсив ёнгокчилик, узумчилик, бодомчилик ва боғдорчилик йўналишларида фойдаланиш учун 49 (қирк тўққиз) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (М.Примов)га «Samarqand-Baku Agro Bizness» масъулияти чекланган жамиятига ажратилган ер майдонларини узок муддатли ижара шартномаси ва тегишли меърий ҳужжатлари ва давлат гувоҳномасини тайёрлаб бериш:

- туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Тошқулов)га мазкур «Samarqand-Baku Agro Bizness» масъулияти чекланган жамиятининг молжамий фаолияти устидан назорат ўрнатиш солиқ ва бошқа меърий тудовларини тартибга солиш;

- туман статистика бўлими (А.Қушбаков) га мазкур «Samarqand-Baku Agro Bizness» масъулияти чекланган жамиятининг статистик ҳисоботларини қабул қилиш ва умумлаштириш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммада қолдираман

5. Мазкур қарорни тасдиғи ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясидан сўралсин.

Туман ҳокими

М.Негматов